



Билим олишнинг эрта-кечи йўк

Муалиф: Азимов Фарход Тешабоевич

Камолиддин Бехзод номидаги

**миллий рассомлик ва дизайн иниситути санъатшунослик
журналистикаси факультети 3-курс талабаси**

Аннотация:

Билим олишнинг эрта-кечи бўлмайдиган. Шундай экан, биз умримизнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишимиз керак. Чунки ҳар бир мамлакатнинг, жамиятнинг ривожини илм-фан тараққиёти, таълим-тарбияга боғлиқ. Зеро, илм — ақл нури, умр жавҳари, ҳаёт мезони сифатида инсонларни борлиқни ҳис этиш, воқелиқни идрок этиш, маънавий ва моддий оламни англашга, тафаккурини шакллантиришга ундайди. Илм инсонларга бахт келтиради, ёруғликка чорлайди, жаҳолатдан йироқлаштиради. Зиёли инсонлар жамиятни тараққиётга етаклайди.

Калит сўзлар:

Билимсизлик, жоҳиллик, чаласаводлик, аксиологик, ёт ғоялар, тафаккур, илм кашфиётлари, манфаат, баркамол инсон, маърифатлилик, жаҳолатга қарши кураш.

Ҳадиси шарифлардан бирида шундай дейилади: “Илм ўрганинглар: илм зулматда қуёш, ваҳшатда ҳамроҳ, ёлғизликда йўлдош, бегона юртда сирдош, оғир дамда раҳбар, душманга қарши қуролдир”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадлари белгилаб қўйилган.

Илм олиш игна билан қудуқ қазиш билан баробар, бунинг учун тинимсиз заҳмат чекиш, тунлари уйқусиз китоб мутолаа қилиш, идрок қилинган нарсаларни қоғозга тушириш керак. Бунинг учун албатта устоз муаллимлар сабоғи биринчи ўринда туради.



Маърифатга эга бўлмай туриб мақтаниш жаҳолатдир. Шунинг учун донолар айтадики, илм эгарланган отдир, билганга дўст, билмаганга душмандир. Тарихда илмсизлик оқибатида юзага келаётган барча муносабатлар низоларга айланган, урушларга йўл очган, жамиятнинг тараққиётига рахна солган. Илмли инсоннинг сўзида мазмун бўлади, ёзувида укув бўлади. Илмсиз одам тўғри ва равон сўзлаши мумкин, лекин ёзган гапларида ва қарашларида хато ва камчиликлар кўп бўлади, ўзи буни сезмайди, сезса ҳам, ўзича билимдонлик қилиб чаласаводлигини хаспўшлайди. Жоҳил кимса аниқ бир манфаатни кўзлаб илм йўлида юрса-да, манфаатга эришганидан сўнг шу илмга содиқликни йўқотади, илмнинг соф фазилатларини сохталаштириб, янги фойда сари одимлайди. Бундай инсонлардан йироқ юриш керак.

Таъкидлаш жоизки, оила қуриш учун ҳам илм ўрганиш лозим. Бинобарин, оилавий масалаларнинг ечими тажрибалар асосида битилган асарларда мужассамдир. Шунингдек, бу дунё саодатини топиш учун ҳам, охират саодатини топиш учун ҳам илм ўрганиш керак. Илм чегарасиз уммондир. Шунинг ҳам таъкидлаш муҳимки, маърифатли бўламан, ўзи учун, оиласи учун, жамият тараққиёти учун илм ўрганаман деган инсон, аввало, яхши устозга бормоғи лозим.

Динимизнинг бош манбаси Қуръони каримда илм ва уламолар энг олий мақомда эканлиги таъкидланган. Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш, уламолар ҳақида кўплаб далиллар келган. Илмнинг ҳар бир соҳасида кашфиётлар қилинган, буюк уламолар етишиб чиққан. Шундай экан, илмга рағбатсизлик, ундан юз ўгириш жоҳиллик ҳисобланади.

Мамлакатимизда билим олиш учун барча шароитлар етарли. Биз ўз ҳаётини илмга бағишлаган буюк алломаларимизнинг кўпини биламиз. Лекин улар билан фахрланиб қолмасдан, тинимсиз ўқиб-ўрганишни ўзимизга касб қилиб олишимиз керак. Ана шундагина калламиз очилади, зиммамизга юклаган масъулият залворини ҳис қилган ҳолда биз учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланишимиз керак.

Илмсизлик жамият тараққиётининг кушандасидир, билимсизлик оқибатида оилалар бузилмоқда, ака-укалар бегоналашиб кетмоқда, қариндошчилик ришталари узилмоқда, дўстлар, кадрдонлар оқибатсиз бўлиб, йироқлашмоқда. Натижада эса ички хотиржамлик, оилалардаги халоват ҳам йўқолмоқда. Ҳозирги кунда одамларда, айниқса, ёшларда устозларни ортидан қувиб, илм излаш сустлашиб, замонавий телефонларга муккасидан кетиш жадаллашиб кетган.

Китобларни варақлаб, устозларга мурожаат этиш камайиши натижасида чаласаводлик юзага келмоқда. Чалавасодликнинг оқибати яхши эмаслиги ҳаммага маълум.

Устозлардан илм ўрганиш аҳамияти жуда катта, буни тарих исботлаган. Талабанинг билим олаётган устозига бўлган эҳтироми боис ҳам унга илмнинг нури сингиб бораверади. Муҳаддислар султони Имом Бухорий, Имом Термизийдек улуғ даҳонинг илм йўлида қилган жаҳду жадаллари, Ибн Сино сингари қомусий олимнинг сарҳадсиз асарлари улардан сабоқ олишга, ибрат олишга ундайди.

Шарқнинг буюк алломалари – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар ўз асарларида инсонни ақлий камолотга етказишда ўқитишнинг турли усуллари ва воситаларидан фойдаланишга катта аҳамият берган. Улар устоз-мураббийнинг педагогик маҳорати, қулай таълим усуллари амалиётда қўллаш йўллари баён этдилар.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий билимларни эгаллашда кўргазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантикий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш, савол-жавоб, баҳс-мунозара каби таълим усуллари қўллаш ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда олган билимларини амалиётга татбиқ этиш малакасини оширишга хизмат қилиши ҳақида ёзади.

Шарқда ўз билими, фикр доирасининг кенглиги билан “Шарқ Арастуси” ёки “Ал-муаллим ас-соний” (“Иккинчи муаллим”) номига сазовор бўлган Абу Наср ал-Форобий (870-950) таълим технологиясининг бош ғояси таълим-тарбиянинг мақсади ҳамда ўқитишнинг восита ва усулларига бориб тақалиши ҳақида ёзади. “Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлади. Тарбия амалий иш, тажриба билан мустаҳкамланади”.

“Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-хунар)лар икки йўл билан амалга оширилади: қўллаб-қувватловчи қанотбахш сўзлар ёрдамида малакалар вужудга келтирилади, ғайрат, интилиш охир-оқибатда ҳаракатга айлантирилади. Иккинчиси – мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмайдиган тоифаларга нисбатан қўлланилади.

Ибн Сино мактабда болаларни жамоа, синф тартибида ўқитиш афзаллигини таъкидлайди. “Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илм олишга чанққлик сезади,



бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Уларга эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди”.

Мирзо Улуғбекнинг фикрича, талабаларнинг билим олишни истамаслиги ва зерикиши мударриснинг укувсизлигига бориб тақалади. Улар таълим усулларини нотўғри қўллаши ўқувчиларнинг билимга қизиқишини сўндиради. Бунинг учун мударрис доимий равишда ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини мунтазам равишда ошириб бориши зарур. Ўз устида тинмай ишлаши, ҳар бир дарсни энг охирги ютуқлар асосида юқори савияда ўтишга эътибор бериши керак. Шундагина ўқувчиларда ижодкорлик, мустақил мутолаа қилиш малакаси ўсади, билимга қизиқиши кучаяди.

Мирзо Улуғбек даврида мадрасаларда ўқитиладиган дарсликларнинг мазмуни ва ўқитиш услубига алоҳида эътибор берилган. Унинг таъкидлашича, мадрасалар учун ёзилган дарсликлар янги мазмун билан бойитилиши керак. Уларда қайси фан, воқеа ва ҳодиса акс эттирилишидан қатъи назар, ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлмаслиги даркор. Дарсликлар содда ва тушунарли, тил мураккабликларидан холи тарзда ёзилиши керак.

Дарсликлар қанча мазмунли ва тушунарли бўлмасин, таълим жараёнида ўқитувчи асосий ўрин тутadi. Алишер Навоий (1441-1501) ўзи барпо этган “Ихлосия” мадрасасида илм толибларининг ақлий камолотга етишида илм-фаннинг аҳамиятини амалда намойиш этди. Илм аҳли жамият тараққиётининг асоси эканини уқтирди.

Алишер Навоийнинг асарларида мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия усуллари, таълим олиш тамойиллари, талабаларга билим берадиган муаллимлар, мударрис ва устоз-мураббийлар билимли, тарбияли, юксак педагогик маҳоратга эга бўлиши зарурлиги бош ғоя ҳисобланган.

Захириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530) инсоннинг илм олиши ва дунёқарашининг шаклланиши таълим технологиясидаги бош масала деб билади. Илми толиб интилиш, машаққатли меҳнат орқали камолотга етади:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиб-у илм-у толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби илм керак.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Шарқнинг буюк алломалари ўз асарларида ва педагогик фаолиятларида илми толибларнинг ақлий фаоллигини таъминлайдиган, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини кафолатлайдиган



дунёвий билимларни ўқитиш услубларининг янгича шакллари яратиш ва таълим-тарбия амалиётида қўллаш ғоясини илгари сурган. Улар томонидан яратилган педагогик асарлар ва тузилган алифболар, ўқиш китоблари ҳамда дарсликлар асосида талабаларда ақлий фаоллик, зийраклик, ҳозиржавоблик сифатлари шакллантирилган.

Менинг умумий хулосаларим бўйича, шахсини тарбиялаш, умри давомида ўқитиш ва ривожлантириш инсон тарбиясида бош ғоя ҳисобланади. Бунда шахсининг ижобий, ахлоқий, ишбилармонлик, идроклилик, олижанолик, катъиятли ва идроклилик хусусиятлари асосий роль ўйнайди.

Шахсининг умумий ижобий хислатлари: ёқимлилик, кўркемлик, жозибадорлик, фусункорлик, басавлатлик, салобат, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик.

Шахсининг ахлоқий хислатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонқуярлик, самимийлик, қуёнчаклик, одамийлик, болажонлик, иймонлилик, фидокорлик, ҳушмуомалалик, илтифотлилик, очиқ юзлик, кечиримлилик, меҳмондўстлик.

Ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, масъулият, ҳалоллик, инсофлилик, эпчиллик, уddaбурунлик, саранжом-саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик.

Зукколик, идроклилик хислатлари: хотиржамлик, фаросатлилик, сезгирлик, заковат, топқирлик, омилкорлик.

Собитлик хислатлари: фаоллик, катъият, тезкорлик, қўйди-пишдилик, жўшқинлик, саботлилик, бир сўзда туриш, барқарорлик, ботирлик, довураклик, интизомлилик, эрксеварлик, жиддийлик, нафсини тийиш, ўзини йўқотмаслик, талабчанлик, одамохунлик, ўзини ирода эта билиш.

Руҳий баркамоллик хислатлари: неқбинлик, кўтаринкилик, тантанавор-лик, ҳушчақчақлик, ишонувчанлик, келажакка ишонч, эзгулик, олижаноблик, оташинлик.

Юқорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантириш ўқув-тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Аслида педагогик жараён асосан умуминсоний хислатларни шакллантиришга қаратилади. Умумий педагогик маданиятда шахсининг узлуксиз тарбияланиши, ўқиб-ўрганишида ўзига хос инновацион педагогик ғояларга аксиологик ёндашишни талаб этади.

Инсон ҳаёти давомида сермазмун ва фаровон яшаб ўтиши эгаллаган билими билан боғлиқдир. Илмсиз, маърифатсиз киши эса ўз ҳаётини беҳуда ўтказди, шунингдек, ўзгаларни ҳам жоҳиллиги учун азиятга қўяди.

Эътибор берсак, дунёда содир бўлаётган кўплаб разолат, уруш ва низоларга билимсизлик, жоҳиллик сабаб бўлмоқда. Ўзларини билимдон сановчи айрим чаласавод кимсаларнинг ҳаракатлари аянчли оқибатлар келтириб чиқармоқда. Дин ниқоби остида ўзларининг пуч ғояларини ёшлар онгига зўр бериб сингдирмоқчи бўлаётган, мутлақо ёт ғояларни тарғиб этаётган кучларнинг сохта чақириқларига баъзи ёшлар ишониб қолмоқда. Бу эса асосан илмсизликдан келиб чиқади.

Қаранг, ўқимаган, илмсиз инсон ҳаётнинг озгина машаққатларига дуч келса, дарҳол енгил йўлни кўзлаб бошлайди. Шундан турли жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар содир этилиб, чақалоқларни сотиш, аканинг укасидан ўғирлик қилиши, қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчиликлар, бунинг ортидан она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ҳаттоки, ўзининг жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Дунёга тафаккур назари билан қаранг, илм кашфиётларидан тўғри фойдаланмаслик, уларни нотўғри мақсадларда қўллаш натижасида турли касалликлар вужудга келмоқда, қишлоқлар, шаҳарлар йўқ бўлиб, халқлар қирилиб кетмоқда, одамлар ногирон бўлиб, қолган умрини қийинчиликлар билан ўтказмоқда. Биз ана шулардан огоҳ бўлишимиз керак. Буларнинг барчаси маърифатсизлик туфайлидир.

Аслида, илм – бахтга етакловчи энг тўғри йўлдир. Шунинг учун мен 46 ёшимда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Санатшунослик журналистикаси факультетига ўз кучим билан ўқишга кириб, 1-курс талабаси бўлдим. Мен ҳамкурсларимдан гарчанд 2-3 баравар катта бўлсам ҳам улар мени ҳурмат қилишади. Ўқитувчилар ҳам менга иложи борица ёрдам беришмоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Илм талаб қилиш ҳар бир муслим учун фарздир», дея марҳамат қилганлар. Бешиқдан то қабргача илм эгаллашга интилиш мўмин кишининг ҳаёт тарзи бўлиши керак.

Вақт билан ҳамнафас яшаш, бугуннинг янгиликларидан бохабар бўлиш замондан орқада қолмасликнинг муҳим шартидир. Шу жиҳатдан, бугунги кунда ёшларни дунёвий илмлар эгаси ва касб ҳунарли бўлишлари муҳим вазифалар сирасига қиради.



Юртимизда биз учун яратилаётган шарт-шароитларнинг қадрига етиб, келажакда шу эл қорига ярайдиган, халқ манфаатларини ўйлайдиган баркамол инсон бўлиб етишишимиз энг асосий бурчимиз ҳисобланади. Маърифатли бўлиб, жаҳолатга қарши курашишимиз эртанги кунимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент, 2016. – 56 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил 16 февраль, №ПФ-4958)

2.Холиқова М. XXI аср ахборот-таълим муҳитини ташкил этишнинг парадигмал аспектлари // Замонавий таълим. Илмий-услубий журнал. №5 (102). 2021. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. - Т.: “Адолат”, 2017.

4. Атаева Н., Расулова Ф., Хасанов С. Умумий педагогика (Педагогика тарихи). Ўқув қўланма. 1-китоб. - Т.: “Фан ва технология”, 2011.

5.Баҳодиров Р. Шарқ мутаффакири. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи. - Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

6.Педагогика. Энциклопедия, 1-жилд. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2015.

7.Юсуф Хос Ҳожиб.”Девони луғатит турк”

8.Эркин Воҳидов. “Сўз забаржад, сўз олтин”